

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК: 338.45:91:33 (575.1)

САМАНДАРОВ ЗУХРИДДИН РАУП ЎҒЛИ

**ХУДУД ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШINI
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (ТОШКЕНТ ШАҲРИ МИСОЛИДА)**

5A232301- «Минтақавий иқтисодиёт»

**Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

Илмий рахбар:
и.ф.д., проф. Н. Махмудов

ТОШКЕНТ-2021

АННОТАЦИЯ

Ушбу магистрлик диссертациясида ҳудуд иктисодиётининг таркиб тузилишини такомиллаштиришнинг илмий-назарий асослари ёритилган. Тошкент шаҳри иктисодиётининг таркибий тузилиши, ҳолати ўрганилган таҳлил қилинган, ҳудуд иктисодиётининг таркибий тузилиши такомиллаштириш орқали иктисодий ўсишни таъминлаш борасида ҳулоса таклифлар ишлаб чиқилган.

ANNOTATION

This master's dissertation describes the scientific and theoretical basis for improving the structure of the regional economy, studied and analyzed the structure and status of the economy of Tashkent, developed conclusions and proposals to ensure economic growth by improving the structure of the regional economy.


АННОТАЦИЯ

В данной магистерской диссертации описаны научно-теоретические основы совершенствования структуры экономики региона, изучены, проанализированы структура и состояние экономики города Ташкент, разработаны выводы и предложения по обеспечению экономического роста за счет совершенствования структуры экономики региона.

Магистрлик диссертация иши “Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаштириш” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.

_____ - сонли баённома « _____ » _____ 2021 й.

Илмий раҳбар: и.ф.д., проф. Н. Махмудов


ИМЗО

28.06.21
сана

Магистрант:

З. Самандаров


ИМЗО

28.06.21
сана

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I БОБ. ХУДУД ИҚТИСОДИЁТИ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИНING НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ.....	8
1.1 Худуд иқтисодиётининг таркибий тузилиши ва унинг иқтисодий моҳияти.....	8
1.2 Иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш стратегиясини шакллантиришда худуднинг ўзига хос хусусиятлари.....	17
1.3 Худуд иқтисодиётининг таркибий тузилишини такомиллаштиришда хориж тажрибаси.....	23
I боб бўйича қисқача хулосалар.....	27
II БОБ. ТОШКЕНТ ШАҲРИ ИҚТИСОДИЁТИНИING ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ, ҲОЛАТИ ВА ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛИ.....	29
2.1 Тошкент шаҳри иқтисодиётининг умумий таркибий тузилиши ва мамлакат иқтисодиёти таркибида тутган ўрни.....	29
2.2 Худуд иқтисодиётининг таркибий тузилиши ҳолатининг таҳлили.....	36
2.3 Тошкент шаҳри иқтисодиётининг таркибий тузилишини шакллантирувчи омиллар тизими.....	41
II боб бўйича қисқача хулосалар.....	49
III БОБ. ТОШКЕНТ ШАҲРИ ИҚТИСОДИНИING ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШINI ТАКОМИЛЛАШТИРИШ АСОСИДА ХУДУДНИING ИҚТИСОДИЙ ЎСИШINI ТАЪМИНЛАШ.....	50
3.1 Тошкент шаҳри худудининг иқтисодий таркибий тузилишини такомиллаштиришда инвестицияларни жалб етиш йўллари.....	50
3.2 Худуднинг инфратузилмасини янгилаш асосида таркибий тузилишни такомиллаштириш.....	55
3.3 Тошкент шаҳри худудининг таркибий тузилишини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ва уларнинг истикболлари.....	59
III боб бўйича қисқача хулосалар.....	66
ХУЛОСА.....	68
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	71

Кириш

Магистрлик диссертация мавзусининг асосланиши ва долзарблиги. Иқтисодиётнинг тармоқ таркиби мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг реал ҳолатини акс эттиради. Тармоқлар таркиби ва уларни қайта қуриш муаммолари, айниқса, бир иқтисодий босқичдан бошқасига ўтиш даврида, давлат иқтисодий сиёсатининг асосий муаммоларидан бирига айланади. Шу сабабли, Президент Ш.М.Мирзиёев - “... мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари таркиби ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ҳозирги вақтда сўзсиз ҳал қилувчи фаолият йўналишига айланиши зарур”¹ – деб қатъий таъкидлаб ўтдилар. Бундан ташқари, республикада аҳоли фаровонлигини ошириш ва иқтисодий ўсишни жадаллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган “2017- 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг учинчи устувор йўналишида “...таркибий ва институционал ўзгартиришларни чуқурлаштириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлаш ва ҳудудлар иқтисодиёти таркибини такомиллаштириш”² - деб белгилаб қўйилганлигидан, мамлакатимизда ЯИМнинг тармоқ таркибини такомиллаштириш масаласи нақадар долзарб аҳамиятга эга эканлигини англаш мумкин.

ЯИМни тармоқлар бўйича таҳлил қилиб ўрганиш - яхлит иқтисодиётнинг таркибига кирувчи алоҳида тармоқларнинг шу маҳсулотни яратишдаги ўрни ва ҳиссасини аниқлашга ёрдам беради. Шу ўринда

¹ Ш.М.Мирзиёев Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолияти- нинг кундалик қондаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоийиқтисодий ривожлантиришнинг асосий якуналари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 15.01.2017 й.

² “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”.